

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОБЛОКУЛОВА ЗАРНИГОР ИЛХОМОВНА

**СУРУНКАЛИ С ГЕПАТИТНИНГ ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ
КЎРИНИШЛАРИДА ИММУНО-БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология и иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Облокулова Зарнигор Илхомовна

Сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишларида иммун-
биокимёвий кўрсаткичлари хусусиятлари..... 5

Облокулова Зарнигор Илхомовна

Особенности иммунно - биохимических показателей при внепеченочных
проявлениях хронического гепатита С 23

Obloqulova Zarnigor Ixomovna

Features of immune - biochemical parameters in extrahepatic manifestations of
chronic hepatitis С..... 43

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОБЛОКУЛОВА ЗАРНИГОР ИЛХОМОВНА

**СУРУНКАЛИ С ГЕПАТИТНИНГ ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ
КЎРИНИШЛАРИДА ИММУНО-БИОКИМЎВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология и иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.PhD/Tib1789 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Нуралиев Неккадам Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Хамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори Рузбакиева Малика Руслановна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот	Кубан давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____кунни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали жигар касалликлари орасида вирусли гепатит биринчи ўринда туради, бу сурункали гепатит билан оғриган беморларнинг умумий сонининг 40-60% ни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда дунёда гепатит С вируси билан зарарланган 175 миллиондан ортиқ одам бор. Ушбу патологиянинг аҳамиятлилиги юқори касалланиш даражаси, вирус ташувчилар сонининг кўпайиши, касалланганларнинг ёш таркибининг ёшларнинг устунлик қилиши ҳисобига ўзгариши ва жигардан ташқари белгиларнинг намоён бўлиш фоизининг ортиши билан боғлиқ. Аниқланишича, «...сурункали гепатит С билан касалланган беморларнинг 5-10% ида инфекцияни юқтирган пайдан бошлаб 10 йил ичида гепатитнинг асорати - жигар циррози шаклланади 20-30 йилдан кейин эса 20-25% да ушбу асорат кузатилади...»¹. Шу муносабат билан, жигардан ташқари кўринишлар намоён бўлган сурункали гепатит С ни беморларнинг иммун статуси ва иммунитет ҳолати билан биргаликда ўрганиш, ушбу патологиядан келиб чиқадиган асоратларни камайтириши ва беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаши мумкин.

Дунёда тадқиқотлар олиб борилаётган бўлиб, уларда аниқланишича, сурункали гепатит ва жигар циррози босқичида манифестацияланувчи вирусли гепатит С мумкин бўлган жигардан ташқари кўринишлар билан клиницистнинг даволашдаги имкониятларини чеклайди. Сурункали С гепатитнинг криоглобулинемия, мембраноз-пролифератив гломерулонефрит ва кечки тери порфирияси каби жигардан ташқари кўринишлар билан боғлиқлиги исботланган. Аниқланишича, ушбу патологиянинг лимфотроплиги В-лимфоцитларнинг сурункали стимуляцияси ва улар фаоллашувини, иммун комплексларнинг шаклланиши билан иммуноглобулинлар ишлаб чиқарилишини кўпайишини белгилайди. Сурункали С гепатитни ўрганишда катта ютуқлар ва муваффақиятларга эришилганига қарамасдан, ташҳисот ва даволаш соҳасида, шунингдек, ушбу патологиянинг иммунологик жиҳатларида кўплаб саволлар очиклигича қолмоқда. Жигарнинг шикастланиш механизмлари, гепатотроп вирусларнинг таъсири, касалликнинг ривожланишида иммун тизимининг роли билан боғлиқ кўплаб ҳал қилинмаган саволлар мавжуд.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, сурункали С гепатитнинг патогенетик таъсирини, унинг жигардан ташқари клиник белгиларини аниқлаш, ушбу касаллик асоратларни олдини олиш мақсадида клиник-лаборатор ташҳисот ва даволаш ишларини олиб бориш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини

¹ Рахимова В.Ш., Эгамова И.Н., Ярмухамедова Н.А. Сустановой синдром как внепеченочные проявления хронического вирусного гепатита С // Проблемы биологии и медицины. – Самарканд, 2020. - Том. 118, №2. - С.99-101.

ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиқиб, сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари клиник белгилари ва иммун тизимининг фаоллиги билан боғлиқлигини ўрганиш асосида комплекс эрта ташхислаш ва даволашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарори ва 2022 йил 16 майдаги «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-243-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали С гепатитнинг (СГС) жигардан ташқари кўринишларининг ривожланишининг патогенезида турли механизмлар ётиши аниқланган: гепатит С вирусининг жигардан ташқари соҳада репликацияланишининг имконияти, иммунокомпетент ҳужайраларнинг намоён бўлиши - HCV инфекцияси В- лимфоцит билан билан боғлиқлиги CD81 ёрдамида амалга ошади; генотипларнинг гетерогенлиги, шунингдек, вируснинг организмда узок муддат давомида мавжудлиги оқибатида вирус геномининг тез-тез мутацияланиши; жигар паренхимасида липидларнинг пероксидланиш жараёнларининг фаоллашувида олиб келадиган иммунопатологик реакциялар каскадининг индукцияланиши (Ахмедова М.Д. и соавт., 2017; Ярмухамедова М.К. и соавт., 2020; Domont F., Casoub P., 2016). Яхши маълумки, СГС охириги босқичдаги жигар касаллиги циррозга ва гепатоцеллюляр карциномага олиб келади (Туйчиев Л.Н. ва ҳаммуал., 2018; Midia M. et al., 2019).

Бироқ, сурункали СГС инфекцияси бир қатор тизимли бузилишлар ва касалликларга олиб келиши камчиликка маълум бўлиб, ушбу бузилишлар СГС нинг жигардан ташқари кўринишлари деб аталади ва турли аутоантителоларнинг клиник аҳамиятсиз мавжудлигидан тортиб, васкулит, тери касалликлари, буйракларнинг зарарланиши, лимфопролифератив бузилишлар, диабет, неврологик ва психоневрологик ўзгаришларгача бўлган

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

кенг кўламли ҳолатларни қамраб олади. СГС инфекцияси бўлган 74% гача беморларда жигардан ташқари белгилар намоён бўлиши ва жигар касаллигининг манифестланишидан анча олдин пайдо бўлиши мумкин (Мусабаев Э.И. ва ҳаммуал., 2019; Sacoub P. et al., 2016; Martinello M. et al., 2018).

Вирусли антигенлар томонидан В-лимфоцитларни узоқ вақт давомида рағбатлантириш аралаш криоглобулинемиянинг сабаби ҳисобланади (Мальков П.Г. ва ҳаммуал., 2008). Аниқланишига кўра, беморларнинг 42-96% да криоглобулинемия кузатилади (Дунаева Н.В., Эсауленко Е.В., 2011; Carrat F. 2019). Ушбу беморларда гепатит С вируси РНК си қон зардобидида 70-86%, криопреципитатларда эса 93-99% кузатилади, гепатит С РНК сининг криопреципитатлардаги концентрацияси эса қон зардобидидагига нисбатан ўн минглаб марта юқори бўлади (Евплова И.А., 2012; Милованова С.Ю. ва ҳаммуал., 2014; Gragnani L. et al., 2016).

Яллиғланиш жараёнининг асосий медиаторлари гепатит С вирусини табиий равишда элиминация қилиниши ҳақида маълумот берувчи специфик иммунитетни шакллантириш учун масъул бўлган - цитокинлардир (Булатова И.А. ва ҳаммуал., 2015; Балашова А.А. ва ҳаммуал., 2017). Полиморф цитокин генларининг намоён бўлиши, шунингдек, уларнинг промоторлари, яллиғланиш медиаторлари генларининг экспрессияси даражасининг ўзгаришига, якуний маҳсулотнинг модификациясига ва шу орқали иммунитетга таъсир қилиши мумкин (Рузибакиева М.Р., 2019). Юқумли генезли сурункали жараён полиморф цитокин генларини ишлаб чиқарилишида, СГС да кузатилувчи вируснинг узоқ муддатли персистенцияси ва вирусга қарши давога резистентлигида ривожланиши кузатилади (Гончарова И.А. ва ҳаммуал., 2019; Thio C.L., 2008; Sghaier I. et al., 2017).

ВГС-инфекцияси ривожланишининг дастлабки босқичларида яллиғланишни қўлловчи цитокинлар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, улар специфик иммун реакциясини кўзғатишда ва иммунитетнинг эффектор босқичида иштирок этадилар (Ярилин А.А., 2010).

СГС вирусининг заҳираланиши ва репликацияси моноцитларда, Т- ва В-лимфоцитларда содир бўлади, бу вируснинг гепатотроплигини исботлайди (Ивашкин В.Т. ва ҳаммуал., 2016; Garcovich S. et al., 2015). Вируснинг персистенцияси ва унинг иммун тизимининг хужайралари билан боғлиқлиги СГС нинг жигардан ташқари асоратларини ривожланишида рол ўйнаши аниқланган, бу эса турли хил бузилишларга олиб келади.

Шундай қилиб, патологиянинг ривожланишида иммун тизимининг роли, жигардан ташқари кўринишларнинг ривожланиши, шунингдек, криоглобулинемиянинг цитокин статусига таъсири ҳақидаги саволлар очиқ қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022 PhD 159) “COVID-19 дан кейинги даврда

Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш” (2022-2026 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Сурункали С гепатит билан касалланган жигардан ташқари белгилари бўлган беморларнинг иммунологик, гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларини криоглобулинемия мавжудлигига боғлиқ ҳолда аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари белгилари билан касалланган беморларда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини аниқлаш;

криоглобулинемияга кўра сурункали С гепатит билан касалланган беморларнинг цитокин статусини аниқлаш;

сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари учраш частотасини ўрганиш ва баҳолаш ва унинг кечишининг клиник - лаборатор кўрсаткичларини баҳолаш;

сурункали С гепатит билан касалланган ва жигардан ташқари кўринишлари бўлган ва бўлмаган беморларда иммунологик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида криоглобулинемияси бўлган ва бўлмаган сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишлари бўлган 120 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида веноз қон, иммунологик, гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлар учун олинган қон зардоби олинган.

Тадқиқот усуллари. Иммунологик, гематологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишлари билан оғриган беморларнинг қон зардобидида меъёрий қийматларга нисбатан IL-10 2,37 мартага камайган, IL-18 2,71 мартага ошган, криоглобулинемияли беморларда криоглобулинемияси бўлмаган беморларга нисбатан IL-10 1,50 мартага, IL-18 1,24 мартага ошган, бу далил ушбу патология билан касалланган беморларнинг иммун тизимидаги зўриқишни кўрсатган;

илк бор криоглобулинемиянинг ушбу тоифадаги беморларнинг қон зардобидидаги IL-10 ва IL-18 миқдорига таъсири исботланган ва шу билан криоглобулинемия жигардан ташқари намоён бўлган сурункали С гепатит билан касалланган беморларнинг организмида инфекцияга қарши ҳимоянинг пасайишига олиб келиши аниқланган;

криоглобулинемия клиник ва лаборатор кўрсаткичларига, жигарда фиброз ҳосил бўлиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши, криоглобулинемиянинг мавжудлиги жигар фиброзининг босқичларининг учрашини оширади ва беморларда эластографик кўрсаткичларга салбий таъсир қилиши исботланган;

сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишлари билан касалланган криоглобулинемияли беморларда, фиброз босқичининг

кучайиши билан IL-10 миқдори ишонарли даражада ошиш ва IL-18 миқдори ишонарли даражада камайиш тенденциясига эга бўлган, криоглобулинемиясиз беморларда эса ўрганилган цитокинлар фибрознинг босқичига кўра ишонарли даражада фарқ қилмаганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишлари билан касалланган беморларда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар IL-10 ва IL-18 миқдорининг кўпайиши далилини аниқлаш, ушбу беморларда иммун танқислиги даражасини ҳамда чуқурлигини аниқлаш ва даволаш тактикасини коррекциялаш учун цитокин ҳолатини аниқлаш заруратини кўрсатган;

сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўриниши билан касалланган беморларнинг қон зардобида цитокинлар миқдорининг ортиши билан криоглобулинемиянинг узвий, бевосита боғлиқлиги аниқланиши, бу патологиянинг ташҳисотида беморларда цитокин ҳолатини ва криоглобулинемияни аниқлаш кераклигини кўрсатган;

сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишлари билан оғриган беморларда криоглобулинемия ва эластографик кўрсаткичларни таққослаш жигар тўқимасини морфологик ўрганиш натижаларининг ташҳисот қиймати ва аниқлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқотни бажаришда олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотларда замонавий бир-бирини тўлдирувчи иммунологик, биокимёвий, гематологик ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, етарли миқдордаги клиник материаллардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни назарий ва амалий тасдиқланиши, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққослаганда уларнинг ишонарлилиги, олинган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланиши далили билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жигардан ташқари белгилар билан намоён бўлган сурункали гепатит С билан касалланган беморларнинг қон зардобида IL-10 миқдори ишонарли камайганлиги, IL-18 миқдори меъёрга нисбатан ишонарли ошганлиги, криоглобулинемияли беморларда криоглобулинемиясиз беморларга нисбатан ушбу цитокинлар миқдорининг ошганлиги, ушбу тоифа беморларининг қон зардобида IL-10 ва IL-18 миқдорига криоглобулинемиянинг таъсири далилининг биринчи марта исботланганлиги, шу орқали беморлар организмнинг инфекцияга қарши ҳимоясининг сусайишининг аниқланганлиги, криоглобулинемия клиник-лаборатор кўрсаткичларга ва жигарда фиброз ҳосил бўлиш жараёнига, беморларнинг эластографик кўрсаткичларига салбий таъсир қилиши исботланганлиги, криоглобулинемияли беморларда фиброз босқичининг ошиши билан IL-10 миқдори ишонарли ошиш, IL-18 эса камайиш тенденциясига эга бўлганлиги, криоглобулинемиясиз беморларда ўрганилган цитокинлар фиброз босқичига боғлиқ ҳолда ишонарли фарқланмаганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жигардан ташқари кўринишлари бўлган сурункали С гепатит билан касалланган беморларда IL-10 ва IL-18 миқдорининг ошиши далилининг аниқланганлиги иммун етишмовчилигининг даражаси ва чуқурлигини аниқлаш ва даволаш тактикасини коррекциялаш учун цитокин статусини аниқлаш заруратини кўрсатилганлиги, криоглобулинемиянинг қон зардободаги цитокинлар миқдори билан тўғридан-тўғри узвий боғлиқлигининг аниқланганлиги беморларда цитокин статусини ва криоглобулинемиюни аниқлаш заруратини кўрсатганлиги, беморларда криоглобулинемия ва эластографик кўрсаткичларнинг солиштирилиши жигар тўқимасини морфологик текшириш натижаларининг ташҳисий аҳамияти ва аниқлигини оширишни таъминлашга имкон бериши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишларида иммун-биокимёвий кўрсаткичларнинг хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотлар асосида:

сурункали вирусли гепатит С нинг жигардан ташқари кўринишлари билан касалланган беморларда жигар фиброзининг ифодаланганлигини баҳолашни яхшилаш имконини берган «Жигардан ташқари намоён бўлган сурункали вирусли С гепатит билан касалланган беморларда жигар фиброзининг ифодаланганлигини баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 майдаги № 8н-р/475-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома сурункали гепатит С билан оғриган беморларда клиник, лаборатор ва инструментал текширишга концептуал ёндашувни тақдим етди.

сурункали С гепатитнинг жигардан ташқари кўринишлари билан касалланган беморларнинг иммун-биокимёвий кўрсаткичлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари амалий соғлиқни сақлашга, хусусан, Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва РШТЁИМ Бухоро филиали, Жондор туман тиббиёт бирлашмаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 майдаги 8н-з/255-сон хулосаси). Олинган натижалар ўрганилган беморларда жигарнинг эластометрик кўрсаткичларини ва цитокин статусини аниқлашнинг ташҳисот қийматини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация материаллари бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 104 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг илмий ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигардан ташқари кўринишли сурункали С гепатитнинг клиник ва иммунологик жиҳатларининг замонавий ҳолати: адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан чоп этилган илмий манбаларга асосланган бўлиб, унда жигардан ташқари намоён бўлган сурункали гепатит С нинг кечиш хусусиятлари, турли ёшдаги беморларда ушбу инфекциянинг ташҳисот мезонлари, ушбу касалликдаги иммунологик жиҳатлар ва цитокин генларининг полиморфизми батафсил келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигардан ташқари кўринишдаги сурункали С гепатит билан оғриган беморларнинг иммуно-биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби клиник материалнинг ва тадқиқот усуллариининг тавсифига бағишланган.

Клиник кузатувлар, лаборатор ва инструментал текширишлар Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси негизида, иммунологик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва одам геномикаси институтида 2018-2021 йиллар давомида жигардан ташқари кўринишли сурункали гепатит С билан касалланган беморларда ўтказилган.

Тадқиқот гуруҳлари 120 беморни ўз ичига олган, улардан 23,3% эркаклардан (n=28), 76,66% аёллардан (n=92) иборат бўлган. Назорат гуруҳи 25 та соғлом одамдан иборат бўлиб, уларнинг 40% ни эркаклар (n=10), 60% ни аёллар (n=15) ташкил этган. Таққослаш гуруҳида жинслар бўйича тақсимланиш шуни кўрсатдики, 52 нафар бемордан иборат биринчи гуруҳда 37 (71,15%) нафари аёл ва 15 (28,84%) нафари эркак, иккинчи гуруҳда (таққослаш гуруҳи) 68 нафар беморнинг мос равишда 55 (80,88%) ва 13 (19,11%) нафар бўлган. Касалликнинг учраш частотасининг таҳлилида, беморларнинг ёш тақсимоти қуйидагича бўлган: 25 ёшгача - 6,66% (n=8), 26-50 ёш 21,66% (n=26), 51-70 ёш 71,66% (n=86).

Анамнестик маълумотларни ўрганишда иккала гуруҳдаги беморларда касалликнинг давомийлиги 6 ойдан бир неча йилгача бўлганлиги аниқланди, шундай қилиб 24,5% (n=29) да 2 йилдан ошмаган, 18,4% (n=22) да - 3-4 йил, 28,1% (n=34) да давомийлик - 5-6 йилни, 17,6% (n=21) да 7 йил ва ундан юқори муддатни ташкил этган. Беморларнинг 11,4% да (n=14) касалликнинг давомийлигини аниқлашнинг имкони бўлмаган, чунки беморлар соматик шифохоналарда текширув вақтида тасодифан аниқланган. СГС ли

текширилган беморларнинг аксарияти 74,16% (n=89) қишлоқ жойларда истиқомат қилган, шаҳарларда яшовчилар, 25,83% (n=31) ни ташкил қилган.

Гематологик кўрсаткичлар автоматик гематологик анализатор ВС-20С MINDRAY (Хитой) ёрдамида ўрганилган. Қон таҳлилининг биокимёвий кўрсаткичлари MINDRAY ВС-30 (Хитой) автоматик биокимёвий анализатори ёрдамида аниқланган. Гепатитнинг этиологик верификацияси MINDRAY 96 А (Хитой) аппарати ёрдамида ИФА серологик усул асосида амалга оширилган.

Криоглобулинлар ҳарорат 4°C гача пасайганда комплекслар (преципитатлар) ҳосил қилади ва кейин 37°C ҳароратда яна бўлинади. Қон намунаси эрталаб соат 8 дан 11 гача оч қоринга олинган. Қон намуналари камида 5 мл миқдорида олинган. Бу олинган намунанинг совишини олдини олиш учун керак бўлади. Бунинг учун қонли пробиркалар 1 соат давомида термостатда 37°C да инкубация қилинган. Инкубациядан сўнг, пробиркалар 1500 минг айланишда 3-5 дақиқа давомида центрифугаланган. Криоглобулинлар 37°C дан паст ҳароратда аномал эрувчанликка эга ва криопреципитатлар ҳосил қилиши мумкин.

СРО автоматик биокимёвий анализатор MINDRAY ВС-30 (Хитой) ёрдамида аниқланган.

Гепатит С вируси генотиби ПЗР ташҳисоти ёрдамида аниқланган - таҳлил вирусли гепатит С кечишини башоратлаш ва даволаш тактикаси танлаш учун катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда гепатит С вирусининг 6 та генотиби ва 100 дан ортиқ кичик турлари аниқланган. Клиник амалиёт учун вирусли гепатит С нинг қуйидаги беш кичик тури муҳим аҳамиятга эга: 1а, 1б, 2а, 2б, 3а. Илмий иш учун DTlite 4 (РФ) ёрдамида гепатит С вируси (вирус РНК си) ва вирусни ПЗР ташҳисоти орқали генотиплаш учун сифатий, миқдорий таҳлил қилинган.

Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўлчамларини, экзогенлигини баҳолаш, портал гипертензия синдроми мавжудлигини ёки йўқлигини аниқлаш, жигар веналарининг ҳолатини баҳолаш, бошқа аъзоларнинг қўшилиб келган касалликларини аниқлаш учун Siemens (Германия) компаниясининг Sonoline Siena доплерли флуориметрни ўз ичига олган ва реал вақтда 3,5 МГц ли конвексли узатгич билан ишлайдиган ультратовуш аппаратида текширилган.

Жигар эластографияси француз Fibroscan ECHOSENS 430 (Франция) аппарати ёрдамида амалга оширилган. Эластометрия – бу СГС да жигар фиброзини баҳолаш ва ташҳислашнинг замонавий усули ҳисобланади. Шунингдек, фибрознинг кечки босқичларидан (METAVIR учун F3, F4) фарқли ўлароқ, фибрознинг паст босқичларида (METAVIR учун F1, F2) усулнинг ташҳисот аҳамияти пасайиши аниқланган. Ўтувчи эластографиянинг натижалари килопаскалда (кПа) ифодаланади ва 2,5 дан 75 кПа гача бўлган ўртача ўнта ўлчовни ифодалайди. Меъёрий қийматлар 5,5 кПа дан юқори бўлмаган қийматлар ҳисобланади.

Қон зардобида яллиғланишни қўлловчи ІІ-18, яллиғланишга қарши ІІ-10 концентрацияси ишлаб чиқарувчининг тавсияларига мувофиқ, «Вектор-Бест» АЖ (Новосибирск, Россия) тест тизимларидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали ИФА усулида аниқланган.

Олинган натижалар Pentium-IV шахсий компютери ва Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида қайта ишланган. Ўртача арифметик кўрсаткич (M), стандарт оғиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий қийматлар (частота, %) ҳисоблашда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилган. Ўртача кўрсаткичларни қийёсий таҳлил қилишда аҳамиятлиликнинг статистик қиймати Студент мезони (t) билан баҳоланган. Хатолик эҳтимоли (p) тақсимотнинг меъёрлилигини (эксцесс мезони) ва Фишер мезонига мувофиқ F умумий дисперсияларнинг тенглигини аниқланган.

Диссертациянинг «**Жигардан ташқари кўринишли сурункали С гепатит билан касалланган беморларда цитокин статуси ва гемато-биокимёвий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида цитокин ҳолати, қоннинг гематологик, биокимёвий кўрсаткичлари ва текширилаётган беморлардаги натижалар баён этилган.

Ўтказилган тадқиқотларда жигардан ташқари кўринишлар бўлган СГС билан касалланган 40 нафар бемор жалб қилинган бўлиб, улар гуруҳнинг ёш ва жинс таркибига кўра учта репрезентатив гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - криоглобулинемиясиз СГС билан оғриган текширилган катта ёшли беморлар ($n=20$); 2-гуруҳ - криоглобулинемия билан экстрагепатик намоён бўлган СГС билан касалланган катта ёшли беморлар текширилган ($n=20$); назорат гуруҳи СГС ($n=25$) билан касалланмаган амалий жиҳатдан соғлом одамлардан иборат бўлган.

ІІ-10 нинг миқдорий таркибини аниқлаш бўйича олинган натижалар шуни кўрсатганки, ушбу цитокин соғлом одамларда меъёрда $18,61 \pm 1,02$ пг/мл ни ташкил қилган, бу беморларга нисбатан статистик жиҳатдан $2,37$ мартага кўпдир - $7,86 \pm 0,92$ пг/мл ($P < 0,001$).

Кейинчалик жигардан ташқари белгилар билан намоён бўлган СГС ли катта ёшли беморларда криоглобулинемиянинг қон зардобида ІІ-10 ни аниқланишига таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатганки, криоглобулинемияли ушбу беморлар тоифасида ІІ-10 нинг концентрацияси ($9,42 \pm 0,99$ пг/мл гача), криоглобулинемияси бўлмаган беморларга нисбатан $1,50$ мартага ошган ($6,29 \pm 0,84$ пг/мл, $P < 0,05$).

Олинган иккала кўрсаткич ҳам соғлом одамларнинг қон зардобидаги ушбу цитокин даражасидан ($18,61 \pm 1,02$ пг/мл) мос равишда $1,98$ ва $2,96$ мартага паст ($P < 0,001$) бўлган. Аниқланган далил шуни кўрсатганки, криоглобулинемия мавжудлиги текширилган беморларнинг қон зардобида ІІ-10 миқдорий таркибига маълум таъсир кўрсатади, бу ушбу цитокин миқдорининг пасайиши шаклида намоён бўлган. Криоглобулинемия ІІ-10 таркибига таъсир қилиши, уни миқдорий жиҳатдан кўпайтириши ва СГС

билан касалланган бемор организмнинг инфекцияга қарши химоясининг пасайишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида организмда криоглобулинемия мавжудлигига кўра, худди шу тоифадаги беморларда яллиғланишни қўлловчи цитокин IL-18 аниқланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатганки, соғлом одамларда (назорат гуруҳи) IL-18 $68,02 \pm 2,30$ пг/мл ни ташкил этган ва жигардан ташқари белгилари бўлган СГС билан касалланган беморларда қон зардобидидаги ушбу цитокиннинг миқдори $184,57 \pm 14,42$ пг/мл ни ташкил этган, бу назорат қийматларига нисбатан 2,71 мартага кўпдир ($P < 0,001$). Кўриниб турибдики, жигардан ташқари белгилар билан намоён бўлган СГС ли беморларда назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан IL-10 нинг камайиши ва IL-18 нинг кўпайиши бир-бирига тескари пропорционалдир, бу уларнинг ўрганилаётган беморлар организмдаги бажарадиган функцияларини кўрсатади. Бундан ташқари, жигардан ташқари намоён бўлган СГС ли беморларнинг қон зардобидидаги IL-18 миқдори криоглобулинемия мавжудлигига кўра ўрганилган.

Аниқланишича, криоглобулинемиянинг мавжудлиги ушбу ҳолат кузатилмаган беморларнинг натижаларига нисбатан қаралганда ушбу цитокиннинг кўпайиши билан бирга келиши аниқланган. Бу криоглобулинемия жигардан ташқари намоён бўлган СГС ли беморларнинг танасида яллиғланиш жараёнини қўллаб-қувватлаши ҳақидаги далилни исботлаган. Илк марта ушбу феноменнинг шу тоифадаги беморларнинг қон зардобидидаги яллиғланишни қўлловчи цитокин IL-18 миқдори таъсири исботланган.

Криоглобулинемияли ва криоглобулинемиясиз жигардан ташқари кўринишлари бўлган СГС билан касалланган беморларнинг қон зардобидидаги цитокинлар миқдорининг қиёсий кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

СГС нинг жигардан ташқари кўринишлари бўлган криоглобулинемияли ва криоглобулинемиясиз беморларда цитокин статусининг қиёсий кўрсаткичлари

Цитокинлар	Назорат гуруҳи	СГС жигардан ташқари кўринишлар билан	
		Криоглобулинемиясиз	Криоглобулинемияли
IL-10, пг/мл	$18,61 \pm 1,02$	$6,29 \pm 0,84^*$	$9,42 \pm 0,99^* \wedge \uparrow$
IL-18, пг/мл	$68,02 \pm 2,36$	$164,68 \pm 12,20^*$	$204,46 \pm 16,64^* \wedge \uparrow$

Изоҳ: * - назоратга нисбатан ишонарли; \wedge - криоглобулинемиясиз кўрсаткичларга нисбатан ишонарли; \uparrow - ўзгаришларнинг йўналиши

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, IL-18 назоратга нисбатан қон зардобидида ишонарли миқдорий ошиш тенденциясига эга бўлган ($P < 0,001$). Криоглобулинемиясиз беморларда IL-18 нинг миқдори $164,68 \pm 12,20$ пг/мл ни ташкил этган, бу назоратга қараганда 2,42 бараварга юқори ($P < 0,001$), криоглобулинемияли беморларда эса бу цитокиннинг миқдори $204,46 \pm 16,64$

пг/мл ни ташкил этган ҳолда янада ошган, бу меёрий қийматдан 3,01 бараварга юқори ($P < 0,001$). Шуниси қизикки, криоглобулинемияси бўлган жигардан ташқари намоён бўлган СГС ли беморларининг қон зардобидида ИЛ-18 миқдори криоглобулинемияси бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада 1,24 мартага ошган ($P < 0,05$).

Қиёсий таҳлил криоглобулинемиянинг қон зардобидидаги иккала ўрганилган цитокинларнинг миқдорига таъсирини ишончли тарзда исботлаган ва шу билан беморларнинг организмида яллиғланиш жараёнининг қўллаб-қувватланишини исботлаган. Ушбу исботланган далил криоглобулинемия жигардан ташқари кўринишлари бўлган СГС да ташҳисий аҳамиятига эга эканлигини кўрсатган.

СГС билан касалланган беморларда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг миқдорини таҳлил қилиш, жигардан ташқари кўринишлари бўлган беморларда қуйидаги қонуниятларни аниқлаш имконини берган:

биринчидан, жигардан ташқари кўринишлари бўлган СГС билан касалланган беморларда, қон зардобидида ИЛ-10 2,37 мартага камайган, ИЛ-18 меёрий қийматларга нисбатан 2,71 мартага ошган ($P < 0,001$), бу ушбу патологияли беморларнинг иммун тизимида зўриқишдан далолат берган;


иккинчидан, криоглобулинемияли жигардан ташқари кўринишлар билан намоён бўлган СГС ли беморларда криоглобулинемиясиз беморларга нисбатан ИЛ-10 1,50 мартага, ИЛ-18 1,24 мартага ошган;

учинчидан, криоглобулинемиянинг беморларнинг қон зардобидидаги ИЛ-10 ва ИЛ-18 миқдорига таъсири ҳақидаги далил биринчи марта исботланган, бу билан эса криоглобулинемиянинг ушбу беморлар организмида инфекцияга қарши ҳимоянинг пасайишига олиб келиши аниқланган;

тўртинчидан, жигардан ташқари кўринишлари бўлган СГС да криоглобулинемиянинг ташҳисий аҳамияти исботланган, бу бизга ушбу патологиянинг патогенезига ва ушбу беморларни даволаш тактикасига янгича қараш имконини берган.

Жигардан ташқари кўринишлари бўлган СГС ли беморларнинг қон зардобидида СРО ни аниқлаш натижалари шуни кўрсатганки, беморларда унинг концентрацияси соғлом одамларнинг маълумотларига нисбатан 9,77 мартага ($P < 0,001$) ишонарли даражада ошган бўлган. Қон зардобидидаги СРО нинг миқдори ИЛ-18 миқдорига тўғридан-тўғри пропорционал ва ИЛ-10 концентрациясига тесқари пропорционал эканлиги исботланган, бу эса ушбу патологияда ушбу кўрсаткичнинг ташҳисот қийматини белгилаган. Криоглобулинемияли ва криоглобулинемиясиз беморларда СРО миқдори бир-биридан фарқ қилган – ҳар иккала кўрсаткич соғлом одамларнинг маълумотларига нисбатан ошган - криоглобулинемиясиз беморларда 7,36 мартага ва криоглобулинемиялиларда 12,18 мартага ($P < 0,001$) ошган. Бундан ташқари, криоглобулинемияли беморларда СРО кўрсаткичлари криоглобулинемия бўлмаган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан 1,65 мартага ($P < 0,001$) ишонарли даражада юқори эканлиги аниқланган.

Кейинчалик, криоглобулинемия таъсирига кўра кўрсатилган кўрсаткичлар (IL-10, IL-18, CPO) ўртасидаги фарқларнинг неча мартага эканлигини қиёсий баҳолашни мақсадга мувофиқ деб топдик, бу 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Криоглобулинемияси бўлган ва бўлмаган жигардан ташқари намоён бўлган СГС ли беморларда ИЛ-10, ИЛ-18 ва СРО даги фарқларнинг неча мартага эканлиги

1-расмдан кўриниб турибдики, таққосланган гуруҳларнинг барча кўрсаткичларининг ўзгаришлари бир хил тенденция ва интенсивлигига эга бўлган, барча ҳолатларда (IL-10, IL-18, CPO) ишонарли фарқ криоглобулинемияли беморлар фойдасига бўлган, бу эса қон зардобида ўрганилган кўрсаткичларнинг миқдори бўйича ушбу феноменнинг таъсирини яна бир бор исботлаган.

Жигардан ташқари белгилар билан намоён бўлган СГС билан касалланган катта ёшдаги беморларнинг 10 та гематологик кўрсаткичларидан 6 таси назорат гуруҳига нисбатан ишонарли ўзгаришларга дуч келган. Криоглобулинемияси бўлган ва бўлмаган беморлар орасида фақат 3 та кўрсаткич статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгарганлиги, қондаги гемоглобин миқдори, лейкоцитлар сони ва ЭЧТ ўзгарганлиги аниқланган. Олинган натижалар организмда криоглобулинемия феномени мавжудлигидан қатъий назар, гематологик кўрсаткичлар ўзгармаганлигини кўрсатган.

Жигардан ташқари кўринишлар билан намоён бўлган СГС билан касалланган беморларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини аниқлашда 10 та ўрганилган биокимёвий кўрсаткичлардан 9 таси назорат маълумотларига нисбатан ишонарли даражада ўзгарганлигини кўрсатган ($P < 0,05$ - $P < 0,001$). Шунингдек, 7 та кўрсаткич бўйича криоглобулинемияси бўлган ва бўлмаган беморлар ўртасида ишонарли фарқлар мавжуд бўлиб, энг муҳим фарқлар АЛТ ва АСТ ни қиёсий ўрганишда бўлиб, уларнинг кўрсаткичлари криоглобулинемияси бўлган беморларда криоглобулинемиясиз пациентларга нисбатан мос равишда 2,67 ва 2,42

баравар юқори бўлган ($P < 0,001$). Ушбу далил ушбу феноменнинг АЛТ ва АСТ миқдорида таъсирини кўрсатади. Умумий оқсил ва альбумин миқдорида ҳам сезиларли фарқлар кузатилган, бунда иккала кўрсаткич ҳам криоглобулинемия бўлмаган беморларнинг маълумотлари билан солиштирганда криоглобулинемияси бўлган беморларда ишонарли даражада камайган - мос равишда 1,09 ва 1,11 мартага ($P < 0,05$).


Диссертациянинг «**Жигардан ташқари кўринишдаги сурункали С гепатит билан касалланган беморларда жигар фиброзини клиник ва иммунологик баҳолаш**» деб номланган тўртинчи боби жигарда фиброз ҳосил бўлишини клиник ва иммунологик баҳолашга бағишланган.

